

Жаҳонлик Сўзчи



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

5 апрель, чоршанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 66 (1068)

Расмий ташир арасида

ҲАМКОРЛИК УЎҚЛАРИ ЧЕКСИЗ

Ява афсоналари, муноқаддек сочилиган юзлаб оролар, аҳолиси сони буйича дунёда тўртинчи ўринда турувчи мамлакат... Индонезия ҳақидаги дастлабки тасаввур, аввало, кўпчиликда ана шундай тушунчалардан бошланади. Дарҳақиқат, Жануби-Шарқий Осиёда жойлашган Индонезия давлати саноатларга бой. Жаҳондаги баъзи синчков сичқоқларнинг тахминича, мамлакат XXI асрда Хитой, Хиндистон, Бразилия қаторида дунёдаги йirik ишлаб чиқариш саноатига эга давлатлар билан рақобатлашиш имконини кўлга киритади.

Индонезия узок муддатта мулжалланган тараққиётнинг биринчи дастурини яқинда муваффақиятли аяқлади. Дастурни амалга ошириш бундан 25 йил муқаддам бошланган, ўша пайтда мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси минтақадаги энг паст кўрсаткични ташкил этарди. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромд 70 доллардан иборат эди. Лекин президент Сухарто раҳбарлигида амалга оширила бошланган тараққиёт дастури тез орада ўзининг самарасини берди. Натижада бугун мамлакат аҳолисининг қарийб икки баробар кўпайишига қарамай, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромд 670 АҚШ долларига етди.

Индонезияда эришилган ютуқлар шунч кўрсаткичи, саноат ишлаб чиқаришини ва тейёр маҳсулот экспорт қилишни ривожлантириш билангина мамлакат иқтисодиётини жалал ривожлантириш мумкин экан. Шу бонс мамлакат ҳукумати жаҳон бозорига маҳсулот чиқаришга қатъи эътибор бермоқда. Хорижий давлатларга тўқимачилик саноати, электротехника маҳсулотлари ва турли хил кийим-кечаклар сотиш ҳажми тобора охиб бораётир. Бу соҳадаги кўрсаткичлар йилига 6 миллиард долларни ташкил этмоқда. Индонезия табиий газ экспорти буйича жаҳондаги энг юқори ўринлардан бирини эгаллайди. Нефть саноатининг иқтисодиётдаги ҳиссаси ҳам йилдан-йилга охиб бораётир.


Бундан ташқари, Индонезия мамлакатта хорижий сармояларнинг кириб келиши учун қатъи имкониятлар яратиб берди. 1967-1994 йиллар давомида мамлакат иқтисодиётидаги хорижий сармоялар ҳажми 40 миллиардга етди. Хорижий сармояларнинг асосий қисми Япония, Гонконг, ГФР, АҚШ Голландия ва Жанубий Корея каби давлатлар ҳиссасига тўғри келди.

Бугунги кунда Индонезия халқи узок муддатли тараққиётнинг иккинчи дастурини амалга ошириш йўлида меҳнат қилмоқда. Индонезиянинг табиий бойликлари, ҳудудий кенлиги ва аҳолисининг кўпчилиги жадал тараққиёт учун қулай шароит яратиши шубҳасиз. Иқтисодиётнинг босқичма-босқич ривожлантириш қишлоқ хўжалиги ва ҳам ашё мамлакатни бундан Индонезияда ишлаб чиқариш саноатининг ривожини таъминлади. Бу эса келгусида эришилмайдиган ютуқлар омилидир.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 1992 йилнинг ёнда Индонезияда расмий сафарда бўлган эди. Ушунда мамлакатимиз раҳбари Индонезиянинг Ўзбекистон учун дўст мамлакатлардан бирини сифатида эътироф этгани, Ўзбекистон ва Индонезия халқларининг маънавий ва миллий анъаналарининг яқинлиги ҳам ушбу дўстликни мустақамлашда муҳим омил бўлди.

Ташир чогда Ўзбекистон билан Индонезия ўртасида ўзаро муносабатлар ҳақида кўнма баёнот, дипломатия муносабатларини ўрнатиш тўғрисида протокол ҳамда иқтисодий ва техник ҳамкорлик ҳақидаги битим имзоланди. Маъзур ҳужжатларнинг имзоланиши Ўзбекистон-Индонезия муносабатларида янги босқични бошлаб берди. Савдо-иқтисодий алоқалар кенг ривож топди. Ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги протоколга қура, Ўзбекистон Индонезия учун пахта толаси етказиб бермоқда, эвазига эса Индонезиядан чой, гуруч, энгил саноат маҳсулотлари олаётир. 1994 йил давомида мамлакатларимиз ўртасидаги маҳсулот айрибошлаш ҳажми 71,8 миллион долларни ташкил этди.

Ўзаро ҳамкорликни равақ топтиришда Индонезиянинг «ПТ прима комексидо» компанияси қатъи ҳисса қўшмоқда. Бу-
Муҳаммад ШАРИФ,
ЎзА шарҳловчиси.



МўЛ ҲОСИПНИ КўЗЛАБ

Наманган вилоят агросаноат уюшмаси мутахассислари дала ишларини сифатли ўтказиш учун буйилги юмушларнинг батафсил режасини туздилар. Уйчи туманида ўтказилган деҳқонлар кенгашида вилоят деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари ана шу тadbирлар билан танишди. Учрашув иштирокчилари тармоқни ривожлантиришнинг тақлиф этилган йўллари маълум қилинди, қишлоқ хўжалигини тағин ҳам самаралироқ ва ушқоқлик билан юртишга қаратилган мулоҳазаларини айтди. Деҳқонлар кенгаши иштирокчилари ҳузурида Наманган вилояти ҳокими Б. Рапигалиев нутқ сўзлади.

Самиржон Жўраев ўтган йили хунар билим юртини татомлаб Шаҳрихон туманидаги «Шаҳрихон» жамуа хўжалигида иш бошлаган эди. Ушу муддат ичидега устози Алишер Раҳимовдан механизаторлик касби сирасорларини ўрганди.
Қўнламини у яқин илтилар билан қариш олади. Чунки ўш меҳнат қилаётган бригада тасарруфидеги 97 гектар майдонга барака уруғи қайди унинг зиммасида. Бу маъсуланини дилдан ҳис этган Самиржон ўзига ишониб топширилган тракторни сифатли таъмирлашдан чиқарди.
СУРАТДА: ёш механизатор Самиржон Жўраев.
Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Марказий банкида республика оммавий ахборот воситалари ва чет эл журналистлари иштирокчида мамлакатимиз билан Жаҳон банки ўртасидаги ҳамкорлик масалаларига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Уш республика Бош вазирини бошқари, молия вазирини Бахтиёр Ҳамидов бошқарди.

Яқинда Жаҳон банки Директорлар кенгаши Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлаш, макроиқтисодий барқарорлаштириш, пулнинг қадрсизланиш жараёнини пайсайтириш, ишлаб чиқариш суръатини оширишга кўмаклашиш мақсадида, 160 миллион доллар миқдорлида кредит беришга қарор қилди. Анжуманда ушбу маблағдан унумли ва самарали фойдаланиш тўғрисида гап борди.
Маълумки, республика Валюта биржасида хорижий валюта савдоси

ҳафтада икки марта ўтказилаётир. Ушбу тadbир мамлакатимиздаги пул-кредит муносабатларини мустақамлашда ўзининг ижобий натижасини бериши таъкидланди.
Учрашувда республика Марказий банки бошқаруви раиси Ф. Муллажонов, Жаҳон банкининг минтақавий ваколатхонаси раҳбари Парвез Ҳасан, Халқаро валюта жамғармасининг Ўзбекистондаги вакили Иштван Цалка қатнашди.

ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1995 йил 4 март кунини бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валюталарда операцияларини амалга ошириш ҳўқуқига эга бўлган ўн учта банки иштирок этди.

Сотув ҳажми 15,073 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 26,10 сўм даражасида қайл этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1995 йил 5 апрелдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади. *)

1 Австралия доллари	19,12	10 Португалия эскудоси	1,80
1 Австралия шиллинги	2,71	1 Сингапур доллари	18,56
1 Англия фунт стерлинги	42,11	1000 Туркия лираси	0,64
1 Бельгия франки	9,26	1 Финляндия маркаси	6,08
1 Голландия гульдени	16,99	4 Франция франки	5,44
1 Греция драхми	1,16	1 Швеция крониси	3,55
1 Дания крониси	4,81	1 Швейцария франки	23,26
1 АҚШ доллари	26,10	1 ЭКЮ	34,63
1 Миср фунти	7,66	10 Япония иенаси	3,03
1 Иранлиан фунти	42,12	1000 Россия рубли	5,33
1 Исландия крониси	0,41	1 Эстония крониси	2,38
1 Испания песети	2,06	1000 Украина карбованеци	0,20
100 Италия лираси	1,52	1 Латвия лати	50,98
1 Канада доллари	18,67	1 Литва лити	6,53
1 Кувейт динори	89,08	1 Козогистон тенгеси	0,43
100 Ливан фунти	1,60	1 Молдова лейи	5,89
1 Германия маркаи	19,03	1000 Беларусь рубли	2,25
1 Норвегия крониси	4,24		

Марказий банки 1995 йил 5 апрелдан бошлаб Ўзбекистон республикаси махсус пул алмаштириш пунктларида фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг қуйидаги тижорат қийматини белгилади:
— Сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 26,10 сўм.
— Сотиб қиймати: 1 АҚШ доллари — 26,10 сўм.
Хорижий валютани сотиш чогда сўм билан восита ҳақи олинади.
*) — Валюта қийматини белгилаш чогда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъзур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси А. О. Қодиров раислигида, судьялар Ж. Субхонкулов ва А. Б. Дўстбобоевлардан иборат ҳайъатда, Ўзбекистон Бош прокурорининг қатъи эътибори О. Р. Матхолоқов, ҳимоячилар Ш. Рашидова, М. Шамсиева, М. Тойжонова, М. Суярова, М. Бузрукова, Р. Шайхутдиновларнинг иштирокчида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ағдариб ташлаш ва ҳокимиятни кўлга олиш мақсадида фитна уюштиришда иштирок этишда айбланган бир гуруҳ шахслар устидан жиноят иши қўрилиб, ҳукм эълон қилинди.

Судда аниқланган ҳолатларга қура, собиқ «Эрк» демократик партиясининг раиси Мадаминов Салай (Муҳаммад Солих)нинг ташкилотчилигида, Қашқадарё вилоятида яшовчи 46 нафар ёш йигитлар танлаб олиниб, шулардан 21 тасини алдон йўли билан «бизнесменликка» ўқитиш нияти билан остидага айриқўнуний

равишда Туркияга, сўнгра Чечен Республикасининг Грозний шаҳрига олиб бориб; бу йигитларни мафкуравий жиҳатдан қайта тарбиялаб, уларга яқма-яқма кураш усулларини, замонавий ўточар куроллардан фойдаланиш йўллари ва қўпуровчилик ишларини ўргатиб, сўнгра бу йигитлардан Ўзбекистон Республикасига қарши алоҳида хавфли жиноятлар содир қилишда фойдаланмоқчи бўлганлар.

Бу жиноятларни бош иштирокчилари Мурод Жўраев — 12 йил муддатга, Эркин Ашуров, Шавкат Холбоев, Незмат Аҳмедовлар — 10 йилдан муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, ушбу жиноятни бошқа қатнашчилари ҳам узок муддатларга озодликдан маҳрум қилинидилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси Ж. У. Ғайбуллаев раислигида, судьялар Э. Йўлдошев ва К. Тоғаевдан иборат ҳайъатда Н. М. Қосимов, А. А. Ибрагимов ва бошқаларга нисбатан жиноят иши қўрилиб, 1995 йил 29 март кунини ҳукм эълон қилинди.
Жиноят иши материалларига қараганда, Н. М. Қосимов томонидан ташкил қилинган қуролли бандда 1993 йил декабрь ойида фуқаро — Ф. Ғозиевага нисбатан, 1994 йил 4 февраль кунини «ЎзДЭУэлектроник» корхонаси дўконига нисбатан, 1994 йил 7 апрель кунини фуқаро Ш. Исроиловга нисбатан бандитизм жиноятини содир қилишиб, «ЎзДЭУэлектроник» дўконига ўз таъсир доираларини ўтказишга ҳаракат қилишди.
Ҳозирги вақтда қилдирувда бўлган А. Ғозиев ва судланувчи А. Ибрагимовлар томонидан тузилган қуролли бандда аъзолари ҳам жиноятчилик оламида ном қозонилиб ва «ЎзДЭУэлектроник» дўконига ўз таъсир доираларини ўтказиш учун ҳаракат қилишиб, дўконга нисбатан келиб чиққан нияти «разбор» қилиш учун Қосимов бошлиқ бандда аъзоларини 1994 йил 12 апрель кунини Тошкент вилоят хулуудига жойлашган «Дендропарк»га учрашувга чақиршиди.
Икки қарама-қарши банданин 1994 йил 12 апрель кунини соат 17.00 да «Дендропарк»да қуролли тўқнашув натижасида отишма бўлиб, оқибатда 5 киши вафот қилади ва 2 киши ўқоролдан жароҳатланиди.
Олий суднинг ҳукмига биноан қуролли бандда раҳбарлар ва фаол аъзолари билан Н. М. Қосимов, А. А. Ибрагимов, И. С. Махмудовлар Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 67-моддаси билан айбли деб топилди, М. М. Ирматов эса жиноят кодексининг 67, 80-моддаси 1, 4, 6-бандлари билан айбли деб топилди, фавуқлода жазо — ўлим жазосига ҳукм қилинди.
Қарама-қарши банданин қолган 10 кишидан иборат аъзолари ҳам Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 67-моддаси билан айбдор деб топилди, узок муддатларга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судландилар.

ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚДОЛ ОДИМЛАРИ

«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

ТАЖРИБА УРГАНИШ УЧУН СЕУПГА

Асака шаҳрида энгил машиналар ва кичик автобуслар ишлаб чиқарадиган завод қурилиши ниятисига етмоқда. Бўлажак автотомобилсозлардан 185 нафари «ДЭУ» корпорацияси корхоналарида ва ўқув марказларида тажриба ўрганиш учун Корея Республикасига жўнаб кетди.

Уларнинг орасида «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси ҳузурида очилган курсда инглиз ва корей тилларини ўрганган ишчилар, муҳандис-техник ходимлар бор. Улар автобуслар, конвейерлар, станокларнинг техникавий жиҳатларини, ишлаб чиқаришга доир билимларини чуқурлаштиридилар.

«ЭПТЕКС»НИНГ ДАСТЛАБКИ МАҲСУЛОТИ ХОРИЖДА

Қорақалпоғистоннинг Эптексда яқинда замонавий чет эл ускуналари билан жиҳозланган йirik тўқимачилик мажмуининг ишга туширилиши республика иқтисодиётини учув улкан имкониятлар эшигини очди. Унда ҳозирданок турдан хил куртка, жинси ва хотин-қизлар учун ранг-баранг кийим-кечаклар тайёрлана бошлади. Бугунги кунда ана шундай маҳсулотлардан 180 мингта ислаб чиқарилиб, уларнинг дастлабки туркуми чет элга, олдинан ускуналар эвазига жўнатилади. Шунини қўнуб билан таъкидлаш жоизки, туманидаги мақтаб ўқувчилиги учун 20 мингта жинси имини соғва тарқатилди тарқатилди.
СУРАТДА: сўтган пехининг устаси Набира Тонгаторовани кўриб турибсиз.

ТАДБИРКОРЛАР ХИЁБОНИ

Яқин вақт ичидега Фарғона шаҳрининг «Мустақиллик» дарвозасидан Ермозор қишлоғига бўлаёк йўлининг икки томонида «Тадбиркорлар хиёбони» барто этилади.

Ҳозир ана шу муҳташам хиёбонни қуриш ишлари давом этмоқда. Бу ерда кўплаб савдо расталари, кичик корхоналар, дам олиш масканлари ва уй-жойлар қад кўтарлади.

ФОТИМА ФЕРМЕРНИНГ РЕЖАПАРИ

Сурдарёлик фермер Фотима Усмонова республика тadbиркорларининг «Ташаббус-94» кўрик танловида қатнашиб, бир миллион сўмлик имтиёзли қарз олиш ҳўқуқини кўлга киритди.

ҲИССАДОРЛАРНИНГ ҲАМЕНИ ДОПЛАРГА ТУПАДИГАН БУЛДИ

Яқинда «Жиззахэст» ҳиссалорлик уюшмаси маъмурияти биралани қонилда сўт маҳсулотларини чиқаришда қазени (оқсёл моддалар) ажратиб оладиган махсус пехни ишга туширилади. Ушбу пех Грециянинг «Силбидо» фирмаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Жумхуриятимизда бундай маҳсулот ишлаб чиқарилишининг аҳамияти шунданки, жаҳон бозорига қазени жула қамб маҳсулот ҳисобланиб, унинг ҳар бир килограмми тўрт доллар турлади. Ашли пайтда қамбнинг ишлаб чиқариш қувватини кенгайтиб, унинг таркибига ҳозир валютанин бир йўла турғи сўт заволи бириктирилади. Уларни 60 дан зиёд фермер хўжаликлари маҳсулот етказиб бермоқда.
СУРАТДА: сўтган ёш ажратиб олиш пехида.

ҚАНД ЦЕХИ ИШГА ТУШИДИ

Чуст қандолат фабрикасида қанд ишлаб чиқарувчи цех ишга тушди. Ҳозирча қанднинг дастлабки туркуми чиқарилиб, асбоб-ускуналар синавдан ўтказилди. Энди фабрикада кўплаб маҳсулот ишлаб чиқарила бошлайди.
Цех йилига 400 тонна қанд ишлаб чиқаришга мулжалланган. Ҳозирча корхонада қандлавлари жамғариб қуйилган. Қузда Чуст тумани хўжалиқини фабрикага қандлавлари етказиб берилади. Шу мақсадда туманда давлати етиштириш учун 50 гектар яқин ер ажратиб берилган. Наманган вилоятининг бошқа туманларида ҳам қандлавлари етиштирилади.

ОҚСОҚОЛЛАР

Ушбу саҳифа Бухоро вилояти маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари фаолиятига бағишланади

ЯНГИ НИЯТЛАР БИЛАН

«Маҳалла» хайрия жамғармасининг бошқа жамғармалардан фарқи шундаки, у асосан жамоат ташкилати сифатида мамлакат миқёсида фаолият кўрсатади.



Мустақил давлатимизнинг муҳим бугунги ҳисобланмиш маҳаллалар фаолиятини мувофиқлаштириш ва такомиллаштиришда фаол ҳаракат қилиб, бу борда бош-қош бўлаётган. Миллий қадриятларни раванқ топтириш, маънавий муаммоларни ҳашир йўли билан ҳал этиш, шу йўлда маҳаллаларнинг моддий манфаатдорликларини ошириш, бева-бечора, етим-есир, ёрдамга муҳтож оилаларга мадал бериш, байрамлар ва маросимларни кўнгилдагидек ўтказишга кўмаклашиш, ёш авлодни Вангана муҳаббат руҳида улғайтириш каби кўпلىб ибратли анъаналарни ривожлантиришга маҳалла фаоллари, оқсоқолларидан тортиб, жамғарманинг ҳамма бўлими астойдил ҳисса қўшади. Жумладан, Бухоро вилоятида ҳам маҳаллалар ишини жонлантириш

кўрсатилди. 1995 йил арафасида вилоят бошқаруви тарбияланувчилари ҳузурига ташриф буюриб, байрам муносабати билан уларга турли хил совға-саломлар улашди. Уруш ва меҳнат фахрийларига ҳурмат ва эътибор кўрсатиш масаласи ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Ғалаба байрами муносабати билан вилоят марказида уруш фахрийлари ва ногиронлари, фронт ортида оқсоқ шижоат намуналарини кўрсатган онахонлар билан учрашувлар ташкил этилди. Ҳар бир қишлоқ ва маҳалла фуқаро йиғинларида ҳам фахрийларимиз билан бир пиёла чой устида қизиқarli сўхбатлар бўлиб ўтди. Санъаткорларнинг чиқишлари уларга хуш кайфият бағишларди. Кейинги пайтларда республикамизда истиқлол байрами зўр қувонч ва катта тантаналар билан нишонланаётган. Ушбу айём арафасида фахрийлари, ногиронлар, етим-есирлар аҳолидан хабар олиш, маҳаллаларда турли тadbирлар ўтказиш, элга ош бериш, нафақага чиқувчиларга сарулолар кийдириш, бахт тўйларини ўтказиш, байрам концертлари намойиш этиш одат тусига кириб бормоқда. Уттан йил 1 сентябрь арафасида Когон шаҳрида Зулфия Эқубова раислик қилаётган Махтумқули маҳалласида ибратли бир тadbир уюштирилди. Фаоллар маҳалла аёллари кўли билан тайёрланган нон, патири, турли ширинликлар ҳамда тансиқ



Уста Шариф Муродов номидagi махсус шайх таъмирлаш ва ишлаб чиқариш устахонаси таъмирловчиси Тойир Остонов ота касбини тўлиқ кам бўлмади. Шу чоққача у қанчадан-қанча иморатларга фойда қилган, дейди. Энг муҳими, эл-юрт орасида «Уста Тойир-десан шарафли номга сазовор бўлди».

СўРАДДА: Т. Остонов Бухоро шаҳридаги Улуғбек мадрасасини таъмирлаётган пайт акс эттирилган.

Х. ҚУРБОН олган сурат.

МИЛЛИЦИЯНИНГ ЖАМОАТЧИ НАЗОРАТЧИЛАРИ

Жондор тумани ички ишлар бўлими ходимлари туман фуқаролари йиғинлари раислари ҳамда маҳалла оқсоқоллари билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган.

Участка назирлари барча маҳаллаларда учрашувлар ўтказиб, аҳолига қонунийлик ва унинг моҳиятини кенг ва апрофича тарғиб қилишга уштартишди. Ҳамкорликнинг ўз самарасини бераётган, десак муҳолага қилмаган бўламиз. Чунки суҳбатлар ва учрашувлардан сўнг ўлаб-жанжаллаш ҳамда нотинч оилалардаги аҳвол ижобий томонга ўзгарди. Бундан ташқари, маҳаллаларда ўртоқлик судлари ташкил этилгани ҳам ишимизда катта ёрдам бермоқда. Шуниси диққатга сазоворки, уларга нафақадаги ҳуқуқшуносларимиз бошчилик қилишга ёрдам бермоқда, муқаддам судланганлар ҳам участка назирларимиз ва маҳалла оқсоқоллари назоратида турибди. Эҳтимол, шу туфайли уларнинг кўпчилиги ҳаётда ўз ўрниларини топиб кетишмоқда. Масалан, 15 йил «ўтириб» чиққан Саъдулла Янгиев ҳозирда туман музика мактабида дарс бераётган. У бола-чақалари, ўла-ёллари даврасида бахтли ҳаёт кечирмоқда. Бунақа мисолларни кўпلىб келтиришимиз мумкин.

Биз ҳаёт билан ҳамнафас бўлмасак, қотиб қолган фикрлар, гоғлар гирдобига ўралашиб қолаверамиз. Бугун ҳамма соҳада бўлгани каби, жиноятчиликнинг олдини олишда ҳам иш юритишнинг янги-янги йўллари излаш зарур. Масалан, бизнинг участка назирларимиз ҳар ойда бир марта ўтадиган Жондор шаҳарча фуқаролар йиғини мажлисида ўзларининг фаолиятлари ҳақида ҳисобот берадилар. Биргалликда маҳалла кўмиталари раислари ва кўча оқсоқоллари билан рейдлар ўтказиладилар. Ана шундай текширишлар давомида кўчнори эккан 3 нафар шахс аниқланиб, тегишли завожага тортилди.

Жондор шаҳарча фуқаролар йиғини 2 та маҳалла ёки 18 та кўчадан иборат бўлиб, бу ерда 7783 аҳоли истиқомат қилади. Айтиш мумкинки, уларнинг тинчлиги ва оёсайишталлиги ишончли қўлларда. Маҳалла фаоллари ташаббуси билан ҳар бир кўчада тунги қоровуллик ташкил этилган. Қувонччиси, маъмур ҳудудда икки йил давомида бирорта ҳам оилавий ажралиш ёки жиноят содир бўлгани йўқ. Ҳар бир кўча оқсоқоли бизнинг жамоатчи назоратчиларимизга айланди, десак ҳам бўлмайди. Уларнинг кўмагида участка назирларимиз бир неча бор экинларни пайҳон қилиш ҳолларини аниқладилар. Жумладан, Қ. Файзиев, Ш. Маҳмудов, Д. Эргашев ва В. Эркаевлар жамоат жойларида қўй боқиб, эндигина қураб чиқётган ниҳолларни поймол қилганлар. Бундай кишилар маҳаллада мукоама этилиб, аҳоли ўртасида изза қилинди.

Ҳа, маҳалла тарбия маскани. Унда минг йиллик урф-одатларимиз қарор топган. Оқсоқолларимиз ана шу имкониятлардан кенг фойдаланиб, бизга катта ёрдам беришяпти.

Бахмулло САМАДОВ, Туман ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция майори.

БЕШ ЙИЛДА БИРОРТА ЖИНОЯТ СОДИР БЎЛМАДИ

(Репортаж)

Шом пайти. Олом туманидаги Оқпўлат маҳалла фуқаролар йиғини идорасига кириб борганимизда оқсоқоллар эртанги режалар ҳусусида сўхбатлашиб ўтиришган эдик.

Кутилмаган меҳмонларга улар бир муддат хайрон бўлиб қараб қолишди. Танишиб олганимиздан сўнг сўхбатимиз қизиқ кетди. — Бизнинг камтарона фаолиятимизни газиетда ёритиш ниятида келганларингиз учун раҳмат,— деди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳаққи Собиров.— Лекин назаримда, ҳали аргументли бирор иш қилганимиз йўқ... Оқсоқол маслаҳатчиси Сотибой Ёмтутов: Жуда ҳам унчалик эмасдир, раис бува,— дея қулди. Маҳалламизда унча-мунча ишлар қилинган, шулар ҳақида гапириб бера берсан булар?

— Эшитишимизга қараганда, сиз раис бўлган беш йил давомида фуқаролар йиғини ҳудудда бирорта ҳам жиноят ёки оилавий ажралишлар рўй бермабди,— дея савол бердим оқсоқола.— Ахир, бу рекорд кўрсатқич-ку?

— Маҳалламиз ҳақида кўп нарсаси эшитганга ўхшайсиз,— деди раис.— Бизда 207 та оилادا 1030 нафар киши истиқомат қилади. Ҳабарингиз бор, яқинда Референдум бўлиб ўтди. Уни жуда ҳам кўтарини бирорта ҳам фуқаро иштирок этмасдан қолмади.

Боя тўғри айтидингиз. Чиндан ҳам ҳалигача маҳалла ҳудудида бирорта жиноят, қолаверса, номига бўлсин, оилавий қийди-чиқилар содир бўлгани йўқ. Бундай отуққа шу ерда ўтирган маслаҳатчиларимиз ва фаолларимиз ёрдамида эришдик. Ҳаётда ҳеч нарсасга ўз-ўзиндан эришиб бўлмайди, бунинг учун тинимсиз меҳнат қилиш зарур. Маслаҳатчиларимизнинг ҳар бирига дастуримизда белгиланган ишлар бўлиб берилган. Келинг, яхшичи бу ҳақда сизга уларнинг ўзлари гапириб бера қолсин.

Берди бобо ҲАМРОЕВ: Менинг зиммамга тўй-маъракаларни уюштириш ҳамда нафақа ишлари билан шуғулланганимиз вафоси юклатилган. Ҳозирги қийин шароитда бундай удумларимизни ҳам ижро қилишимиз зарур.

Мен маҳалла хотин-қизлари билан ишламан. Бу масъулиятли топшириқни кам-кўстиз бажаримиз, деб айта оламиз. Ўрли хил мазмунда тез-тез учрашувлар ўтказиб, аёлларимиз билан фикрлашиб туришимиз. Шукурки, маҳалламизда жанжаллаш оилалар, беодоб болалар ёки қайсар қайнона келинлар йўқ. Мабодо шундай оилалар чиқиб қолгудек бўлса, дарҳол уларни тартибга чакирамиз. Маҳаллаошларимизнинг ҳаммаи тусида ушундай одамлар, бундай кишиларга ҳар қачна хизмат қилсанг ҳам оз.

Сотибой ЁМУТОВ: Биз аҳоли томонидан ишларини техника билан таъминлашни йўлга қўйдик. Бир хил одамлар ерини шудгорлашга қийналади, ҳатто, нима экшиши ҳам билмайдилар. Утган йили кўп кишиларга галла экишни маслаҳат бердик. Бир сотиқ ҳам бўш жой қолмади. Очлик нима эканини биз қариялар яхши биламиз.

Дони бор одамнинг эса доим қорни тўқ, усти бут бўлади. Президентимиз республикамизда галла мустақиллигига эришиш масаласини кўндаланг қилиб, улур иш қилди. Бу борда ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила ўз ҳиссасини қўшимоғи даркор. Шундангина олдимида турган буюк мақсадларимиз рўйга чиқади.

Ҳаққи СОБИРОВ: Қийинчиликларга қарамай, ҳудудимизни ёлпасига галлаштирдик. Ҳозирги кунда барча хонадонларда «зангори олов» ёнмоқда. Ичимлик суви муаммоси, асосан бартароф этилган. Бундан ташқари ариқ ва суввурлар тозаланиб, экинларни зоригишга тайёрлаб қўйилди. Буларнинг ҳаммаси ҳайри йўли билан қилинган. Барча ишлар халқимизнинг қўллаб-қувватлаши билан бўлаётганини яхшириб ўтирмаймиз. Бу ишларни ўзини қилмасак ким қилиб беради, ахир... Маҳалламизда беш нафар ногирон бор. Умуман, касаллар, ногиронлар, қаровечиси ва кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олишни қандал қилганимиз йўқ. Уларга иложи борича озиқ-овқат махсулотлари ҳамда моддий ёрдам бериб туришимиз. Зеро, юртбошимиз ишлаб чиққан маҳсулот беш таъминланган бири ҳам бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини қулчи ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган.

Идорамиз жойлашган 500 кишига мўъжалланган бинони вилоят сув ҳўжаллиги ташкилоти қуриб берган эди. Ҳозирча идорамизда стол-стул, меъбел ваки жиҳозлар етишмай турибди. Албатта, ҳамма жойда бўлгани каби бизнинг ҳам ўз ҳисоб рақамимиз очилган. Лекин унда маблағимиз дерли йўқ. Агар пўлимиз бўлганда эди, йиғин ҳузурида кичик қорхоналар, дуконлар ташкил этиб, ишимизни янада ривожлантириб бўлар эдик...

Ҳа, Оқпўлат маҳалласига йўлингиз тўша, унинг ободлиги ва тозаллигини қўриб, кўнгилнингиз ярайди. Ҳақиқатан ҳам фуқаролар йиғинида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир. Бунинг учун фаоллар шаънига ҳар қачна мактовлар айтасан озидир.

Маннон ОТАБЎЙ, «Халқ сўзи» мухбири.

Маҳалладан бошланар ватан «ЧАРМГАРОН»ДАГИ ГУРУНГ

Ота-боболаримиз беҳуда «Ватан — маҳалладан бошланади» дейишган. Унинг замирида беабад маъно, улуг туйғулар ётибди.

Ҳақиқатан ҳам юртва бўлган муҳаббат оилада, маҳаллада инди эотиб, қалбимизда теранлашади. Мен маҳалламизда ана шундай кўп улуг туйғуларни шакллантирадиган ишлар амалга оширилаётгани ҳақида гапирмоқчиман. Зеро, оддий бир инсон сифатида яхши ишларни кўрсан қувонаман, нохушликлардан қўнғим хира тортади.

Вобкент туманидаги «Чармгарон» маҳалласида ҳар ойда бир марта гурунг ўтказилади. Унда ёшларимизнинг юриш-туриши, тинч-тотув яшашлари, одоб-ахлоқ ҳақида гапирилади. Бугунги оғир шароитда тўйларни камчиқим, ичмам қилиб ўтказиш, дабдабалардан воз кечиш ҳақида ҳам сўз юритилади. Турғи-да, ҳар қим ҳам кўрпасага қараб оёк узатгани маъқул.

«Чармгарон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Искандар Холиков ҳам сира тиним билмайди. Президент фармонида асосан кам таъминланган ва ногирон оилаларнинг 54 тасига унинг елим-боғуришлари тўғрисида 134 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Бу билан қанчадан-қанча кенглик диллар шод бўлди, қўлларини дуога олди.

Ҳабарингиз бор, экиндан бошлаб фуқароларга Ўзбекистоннинг янги паспорти тарқатилди бошланди. У маҳалламизда биринчи бўлиб иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва мактабини битирин арафасида турган йиғит-қизларга берилди. Бу шодиёна маҳалла фуқаролар йиғини томонидан катта байрам сифатида ўтказилгани ҳам таъкидлаш жоиз. Зеро, биз тарихда биринчи марта ўз юртимиз паспортига эга бўлдик.

Тарбиявий ишларнинг яхши йўлга қўйилгани тўғрисида маҳалламизда жиноятчилик ҳоллари кескин қамайди. Бу ишларда қўнчили қатори ўзим ҳам озми-кўпми хисса қўшаётганимдан фахрланаман. Келажги буюк давлатга зуқво ва доно фарзандлар керак. Уларни тарбиялаб, воға етказиш эса биз каби оқсоқолларнинг бугунги кундаги асосий вазифасидир.

Исроил ЖўРАЕВ, «Чармгарон» маҳалласи фуқароси.



Боболар қувончи — эл-юрт ободлигидан нишона.

Миннатдор қалб изҳори

«ДАВЛАТ» БОЛАМДАН АЙПАНАЙ

Ҳаётда суянадиган бир қизик бўлмас қайин экан. Турмуш ўртаги ўрушда қасрамонларча ҳалок бўлган. Фаранд қўриққа қўйилган.

Ўзим эса ногиронман. Тўғриси, ҳатто уйдан-этикка чиқа олмаман. Яхшим, бахтимага Қорақўл тумани ижтимоий таъминот бўлими ходимлари, Ақмад Икромов маҳалла фуқаролар йиғини раиси каби сажий, муруватпаси инсонлар бор. Улар ҳар қачна исенқ-сонгимдан, турмушимдан хабар олиб туришибди.

Улардан турли жойларда содир бўлаётган янгиликларни эштанман. Бизларга ўхшаган ногирон, қаровечиси ҳамда кам таъминланган кишиларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳақида юртбошимизнинг махсус фармони чиқибди. Бунга эшитиб, кўнғим тоғдек кўтарилди. Йўлим, бизни сийлаганини худо сийлагани. Қорақўл шаҳарчаси ҳокими Собиржон Шукуров ҳам бир неча бор ҳол сўраб келиб кетди. Унинг айтишича, Президентимизнинг Фармонида асосан 78 кишига 43 700 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилади. Демак, бу мени ўхшаган ана қанча одам хурсанд бўлади, деган гап. «Давлат» болам омон бўлса, биз қийналмайми. Илло, унинг боши тошдан бўлсин.

Турсуло ТАНИРБЕВА, нафақахўр, Қорақўл тумани.

Қадриятларимиз

Раҳматлик падари бузрукворимиз Муҳаммад Зариф ўз замонасининг нуфузли уламоларидан бўлиб, узоқ йиллар Мир Араб мадрасасида мударрислик қилганлар. У киши бот-бот: «Ўғлим, ҳамини катталарнинг хизматида бўл, маҳалла-қўйга қайт, зеро киндик қонинг тўксанган жойини азиз билиш — ҳам фарз, ҳам қарз. Шундай қилсан Аллоҳ сендан марҳаматини дариг тутмайди», дея панду насиҳат қилардилар.

Гарчи, мен отам сингари диний илмларни мукамал эгаллай олмаган бўлсам-да, фарзандларим боболаримнинг руҳини шод этишди. Ўғлим Содиқжон Мир Араб мадрасасини битириб, айна пайта Коҳирарадаги Ал-Асҳар университетиде таҳсил олмақда. Қизим Нилуфархон ҳам Жўйбори Калондаги хотин-қизлар мадрасасида ўқимқда. Бошқа фарзандларим ҳам ўзлари танлаган касб оқсидан кун кўриб, эл-юрт қорига ярамоқдалар.

Сўзимни узоқдан бошлаганимнинг сабаби шуки, отам қилган насиҳатларининг нечоғлик тўғрилигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турирди. Умр буйи муаллимлик қилдим. Кўзи оқиллар мактабиде дарс бериб, ўқик қилбларга имкон қадар маънавий озуқа бахш этишга ҳаракат қилдим. Бугунги кунда маҳалладошларим мени катта умид билан оқсоқоллар йиғини раислигига сайлашган экан, иншоолуқ уларнинг ишончини оқлашга интиламан.

Бизнинг маҳалла Бухоройи Шарифнинг нақ «юрагиде» жойлашган. Бугун жаҳонга маълум ва машҳур Минаров Калон, Масжиди Калон, Мир Араб мадрасаси, Тағбаңд-

улашиса, саволи иш бўлур эди. Бунинг учун масжиднинг маблаг йиғилган хазинаси очилаётганда маҳалла оқсоқоллари ҳам қатнашиши керак... Зеро, кимнинг қандай ҳаёт кечираётганини, бору йўғи бошқалардан қўра бизга яхшироқ аён. Маҳалламиз ҳудудидаги 992 оилادا 5200 нафар аҳоли истиқомат қилади. Мен маъмур маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб сайланганимга эндигина бир йилдан ошди. Ишни фуқароларнинг яшаш ш-

ёшларимиз онгига синдиришга интиломқдамиз. Чунки, эндиликда келин-куёвларимиз тўйларга оврусу суулидаги қийинларга эмас, балки ўзимизнинг бежирим, нафис, шарқона либосларда чиқишяпти. Шундай пайтларда зардузи, патдузи, бухороча либослар уларнинг ҳуснига ҳусн қўшиб, ажиб бир тароват касб этади. Шунги ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, бизда бирор тadbир йўқки, софи ош тарқатилмас. Бу маъзали таом дастурхонга тортил-

ганда спиртли ичимликларга асло ҳожат қолмайди. Натияжада тўйини камчиқим, оёсайишта тўйинга эришилмапти. Кейинги пайтларда айрим бойваччалар келин-куёв устидан пул сочинини одад қилишган эди. Бундай иллатта ҳам барҳам бердик. Улар бундан буён атаган пулларини сочмасдан, келин-куёвнинг ўзларига берадиган бўлишди. Бу эса, ўш оиллага маълум миқдорда моддий ёрдам бўлади, ҳам исрофгарчиликнинг олди олинади.

Наврўз байрами, Рамазон ва Кур-

бон ҳайитлари, шунингдек, Мустақиллик байрами қуларини маҳалладошлар билан бирга нишонлашяпти. Ана шундай ҳайри тadbирларни ўтказишимизда Абдунаби Фозилов бошлиқ Бухоро ип-газлама ишлаб чиқариш комбинати ва бошқа бир қанча ташкилот, қорхоналар яқиндан ёрдам бермоқдалар. Бундай саховатли инсонлардан ҳаминша миннатдорим.


Маҳалламизда ибратли хонадонлар ҳам талайгина. Азим ака Баққоев, Абдулло Бобоқўраев, Иброҳим Воҳидов, Пулат Расулов, Бақо Тоқиев сингари пиру бадавлат оила бошлиқлари ёшларимизнинг маънавий оламни бойитиш, уларнинг қомил инсон бўлиб етишишлари учун бош-қош бўлиб келмоқдалар.

Маҳалламиз ҳудуди кейинги пайтларда мисли қўрилмаган даражада ўзгарди. Қадимий бозор, масжид ва расталар таъмирланиб, қайтадан чирой очди. Бутун вилоятимизда бўлгани каби маҳалламиз аҳли ҳам Бухоройи шарифнинг 2500 йиллиғи ҳамда беназир адиб Абдурауф Фитрат юбилейига қизгин ҳоҳишлик кўришмоқда. Ҳали қилагани юмушларимиз бисёр. Мақсади-миз маҳалламиз тинч, эл-юртимиз обод, кўнғиллар шод бўлсин.

Наврўзла РОЗИҚОВ, Бухоро шаҳридаги Исроил Шарифов номидаги 7-фуқаролар йиғини раиси.

Теннис

ДЭВИС КУБОГИ БАҲСЛАРИ ЮРТИМИЗ КОРТЛАРИДА



Ўтган ҳафтада мамлакатимиз спорт ҳаётида яна бир тарихий воқеа юз берди. Ўзбекистонда биринчи марта теннис бўйича Дэвис кубоги баҳслари ўтказилди.

ди. Ун беш йилдирки, NEC мусобақанинг бош хомийси бўлиб келмоқда. Катнашчилар сони эса бу даврда икки баравар ошди.

Дэвис кубоғининг олий табақаси — Жаҳон гуруҳи деб номланади. Унда энг кучли 16 мамлакат теннис жомалари асосий соврин учун баҳс юритилади. Финал ҳар йили декабрь ойининг охирида ўтказилади.

Юртимиз теннисчилари ўтган йилдан бошлаб Дэвис кубоғи баҳсларида қатнашаётган бўлиб келмоқда. Жамоамиз баҳсларида энг куйи табақадан бошлашди. Ўтган йили жомамиз Осиё-Океания минтақасининг III гуруҳида Бақрайин, Бруней, Ливан, Иордания жомалари билан ўзаро куч синашди. 6-10 апрель кунлари Катанинг Доха шаҳрида бўлиб ўтган бу учрашуларда теннисчиларимиз бирор марта ҳам мағлубиятга учрашмади. Ушундан барча рақибларини 3:0 ҳисобда мағлубиятга учратган теннисчиларимиз 1995 йилда II гуруҳ мусобақаларида қатнашиш имкониятига эга бўлишганди. Бу йил 3-5 февраль кунлари теннисчиларимиз II гуруҳнинг дастлабки учрашувида қатнашиб, Доха шаҳрида мағлубиятга учрашди. Шри-Ланка теннисчилари эса шу даврда эронликлардан 3:2 ҳисобда устун келишган эди. Шунингдек, ушбу гуруҳнинг қолган ўйинларида куйидаги натижалар қайд қилинди: Хитой — Покистон — 3:2, Таиланд — Малайзия — 4:1.

Шундай қилиб, кура жадвали бўйича бизнинг теннисчилар Шри-Ланка терма жамоаси билан, Хитой ва Таиланд терма жамоалари ўзаро учрашадиган бўлишди.

Дэвис кубоғининг юртимизда ўтказиладиган илк учрашуви мамлакатимизда катта ҳозирлик кўрилди. Учрашунинг бош ҳақими ишориллик Данил Геллинг эътироф этишди, катта теннис сари юзланган мамлакатлар турнига тайёргарлик кўриш борасида ўзбекистондан ўрнак оларлар арзийди.

— Ўзбекистонга биринчи марта бундан икки йил олдин келган эдим — деди Д. Гелли. — Шу давр орасида юртимизда теннис ривож учун ҳудуд катта ишлар амалга оширилгани, кўриб қўйингиз ишонмайсанки. Эндиликда юртимизда жаҳоннинг энг йирик теннис мусобақаларини ҳам ўтказиш шариоит етарли. Ўтган йили «Президент кубоғи» турнирининг юқори ушшоқлик билан ўтказилгани ҳам бунинг яққол ибодидир.

мади — 6:0, 6:0. Шундай қилиб жамоамиз 5:0 ҳисобда ғалаба қозонди.

Учрашудан сўнги матбуот конференциясида Шри-Ланка жамоаси сардори Аржун Фернандо учрашунинг ташкилий жиҳатдан юқори ушшоқлик билан ўтказилганини эътироф этди. — Биз ўзбекистон жамоасининг кучли теннисчиларга эгалигини ва бу учрашудан юқори ушшоқлик билан ўтказилганини эътироф этди. — Биз ўзбекистон жамоасининг кучли теннисчиларга эгалигини ва бу учрашудан юқори ушшоқлик билан ўтказилганини эътироф этди. — Биз ўзбекистон жамоасининг кучли теннисчиларга эгалигини ва бу учрашудан юқори ушшоқлик билан ўтказилганини эътироф этди.

Иккинчи кун юртимизнинг кўртак чиқиши, юртимиз шарфини ҳимоя қилиши оғирлиги маросими ўтказилди. Унда Тошкент шаҳри ҳокими К. Тулаганов, Ўзбекистон Давлат жиамоний-тарбия ва спорт қўмитаси раиси С. Рўзиёев, «Президент кубоғи» турнири асосчиси С. Какушери иштирок этди.

Курага кўра Огородов-Томашевнинг юфтлиги қорғат чиқиши, юртимиз шарфини ҳимоя қилиши керак эди. Лекин жамоамиз бош мураббийи Генрих Дашевский Олетта дам беришга қарор қилди. Унинг ўрнига жамоамизнинг энг аъсои Вадим Куценко (1977 йилда туғилган) Д. Томашевич билан бирга қорғат чиқди. Шундай бўлса да, Роҳан де Сильва ва Сенака Кумар юфтлигимизга деярли қаршиллик кўрсатмади. Барча сетада заморларимиз ишончли ғалабага эришшиди — 6:1, 6:3, 6:2. Теннисчиларимиз учинчи кун янада ажойиб ўйин кўрсатиб, қорғат рақибларидан тўла устунлик қилишди. Турни, Огородов — Вихейскера учрашувида 6:3, 7:5 ҳисоби қайд қилинди. Дмитрий эса ўз рақибига бирорта ҳам геймни бой бер-



Учрашудан сўнги матбуот конференциясида Шри-Ланка жамоаси сардори Аржун Фернандо учрашунинг ташкилий жиҳатдан юқори ушшоқлик билан ўтказилганини эътироф этди.

— Биз ўзбекистон жамоасининг кучли теннисчиларга эгалигини ва бу учрашудан юқори ушшоқлик билан ўтказилганини эътироф этди. — Биз ўзбекистон жамоасининг кучли теннисчиларга эгалигини ва бу учрашудан юқори ушшоқлик билан ўтказилганини эътироф этди. — Биз ўзбекистон жамоасининг кучли теннисчиларга эгалигини ва бу учрашудан юқори ушшоқлик билан ўтказилганини эътироф этди.

— Биз турнирни аввалга 21-28 августга белгилаган эдик. Бирок бу даврда Словакияда яна бир турнир ўтказилиши бос, уни бироз кечиктириб, 28 август — 3 сентябрга мўлжалладик. Менинг билишимда 1 сентябрда Ўзбекистон мустақиллиги кунини эътибор қилиш керак эди. Турнирнинг шу даврга тўғри келганидан хурсандим.

Жамоамиз Дэвис кубоғи баҳсларида кирувчи кейинги учрашувини ҳам сентябр ойида Тошкентда ўтказишди. Рақиб шу кунлари ўтказиладиган Хитой — Таиланд учрашувида сўнг маълум бўлади.

Расул ЖУМАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ёдонома

САОДАТМАНД ИНСОН ЭДИ

Ҳайат — ўқимасан китоб. Унда битилган ҳар бир сатр, унга муҳраман ҳар бир ҳафта ҳикмати билан бу ўқувларни ёд этмоқдир. Ушбу ўқувларни хотирлаш, тарихларни ёд қилиш ҳақиқат. Бу дунёда ўқувлар ёд қилиш руҳга шурр бағишлайди. Хотира — инсон умрининг мазмуни, у ҳақиқатро соғди, ўйга талдиради.

Утганлар хотираси ҳаётнинг ўзидек муқаддас. Муқаддас нарсалар ҳақида ёзиш қалам аҳли учун ҳар доим қийин келган. Аслида ҳаётдаги ҳамма нарсга муқаддас. Баъзан, ўзинг билмадиган, қалбингга жойланган қолган нарсалар содда бўлиб қўринади. Улар ҳақида қалам тебратиб осондек туюлади.

Марҳум Абдуҳамид Қаюмов ҳақида мақола ёзишдан олдин қўл ўйладим. Мен у киши билан яқиндан таниш бўлмаганман, сўзба-сўз билмаганман. У яшган даврда хали мен ёш бола эдим. Шунинг учун ёганларим бир филма чикмасин, деб кўп изландим. Унинг замонашлари, шоғирлари билан гурунлашдим. Архив ҳужжатларини ўқиб чиқдим. Замонадошларим билан қўёслаб, уни буюк инсон сифатида қашф қилдим.

Тарихда шундай инсонлар яшаб ўтганки, уларнинг ҳаёти жамият ҳаёти билан чамбарчас боғланган. Уларнинг ҳаёти жамият ҳаётидан ажратиб ўрганиб бўлмайди. А Қаюмовнинг тақдирини ҳам тарих билан муштаҳам боғлиқ. Анқорига, у ўзбекистон ривожлантиришдаги жуда муҳим воқеаларнинг иштирокчиси бўлибгина қолмай, кўп йиллар давомида иқтисодийнинг муҳим соҳаларига раҳбарлик қилган.

Ўзбекистоннинг раванқига қўл йиллар, ҳисса қўшган бу улф инсоннинг улф ишларини бутун ҳам юзлаб, минглаб кишилар ёдга олишди. Ҳақиқатдан ҳам у орда қолдирган йилларга назар соқсақ, унда яхши боғ қолганига амин бўламиз.

Абдуҳамид қа тирик бўлганда бу йил 81 ёши қаршилаган бўларди. У заминдан бундан ҳам кўп вақт фаолиятини республика темир йўли, санаот қурилиши ва автомобиль йўл ҳужалигини ривожлантиришга бағишлаган. Абдуҳамид Қаюмов Тошкент темир йўл транспорт муҳандислари институтини тугатиб, 1941 йилдан 1958 йилга қадар Тошкент темир йўл бошқармасида инспектор, техника бўлими бошлиғи, бош муҳандис, бино ва иншоотлар хизматининг бошлиғи, 1958 йилдан 1968 йилгача «ЛавТошкентстрой» бошқармаси бошлиғининг муовини, 159-трестининг бошлиғи, Ўзбекистон қурилиш министриликнинг «Лавстройиндустрия» бошқармаси бошлиғи, «Лав-средазостройиндустрия» бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон қурилиш министриликнинг биринчи муовини, «ЛавТошкентстрой» бошқармаси бошлиғининг биринчи муовини лавозимларида ишлаган.

1968 йилда эса Ўзбекистон Автомобиль транспорти ва тош йўллари министри этиб тайинланган. 1969 йилдан 1985 йилга қадар Ўзбекистон Автомобиль йўллари министри лавозимида ишлади. У халқ ҳужалигининг қайси соҳасида ишламасин, ўзининг ишга чўқур масъулият билан ёндашишини, одамлар билан тил топиша олишини, ўткир билими ва ўзига хос талабчанлигини намоиш этган. У катта раҳбарлик салоҳиятига эга, зўр ташаббусли ва ишлаб чиқаришнинг моҳир мутахассиси эди.

1966 йилда бўлган Тошкент зилзиласи ўзбек халқини синовлар гирдобига ташлади. Халқ са-

фарбарлик эълон қилди. Абдуҳамид Қаюмов «ЛавТошкентстрой» бошқармаси бошлиғининг биринчи муовини сифатида шаҳарни қайта тиклаш ишида бош-қош бўлди. Унинг йўл ҳужалиғидаги фаолияти давомида кўп йирик йўллар ва кўприклар қурилди.

1969 йил киши қаттиқ келди. Айниқса, Бухоро яилловларини қалин қор босди. Томди, Учқудуқ чўл зонасидаги йилларда минглаб чорва моллари ем-хашаксиз қолди. Бу яилловларга борадиган йўллар қурилмагани туфайли чорвага ем-хашак верталётларда етказиб берилди. Бу бир сабоқ бўлди. А Қаюмов раҳбарлигида республика шимолдаги чўл туманларини бир-бири билан боғлайдиган 700 километрик йўл қурилиши қўшма мақсадда битказилди. Қурилишнинг катта мутахассиси Абдуҳамид қа кишлоқ ҳужалигини ривожлантиришга ҳам хисса қўшди. Тоғ яилловларига олиб борадиган «Катта қизилқум автомобиль йўли халқаси» бугунги кунда халқимизга та хизмат қилаётир.

У йўл қурилишига раҳбарлик қилган даврда умумий фойдаланишни тақомиллаштиришда 12,5 минг километрдан ортиқ узунликка қўйилди. Унинг раҳбарлик фаолияти давомида республикада йўл қурилиши индустриясининг ўнлаб асфальтбетон заводлари, тош материаллар ва йиғма темирбетон ишлаб чиқариладиган корхоналар ва бошқа йирик қурилиш базалари яратилган.

Абдуҳамид қа автомобиль йўллари қуриш ва унда фойдаланишни тақомиллаштиришда мақолали мутахассислар ташкилласида катта таътир қаратган. Унинг иштироки ва ташаббуси билан Тошкент автомобиль транспорти ва йўл қурилиш институти, бир неча махсус техникумлар ва махсус билим юрлари ташкил топди. Бу билим даргоҳларида таълим олган унинг минглаб шоғирлари халқ хизматида хозир ҳам фаолият кўрсатмоқда.

А Қаюмовнинг умр бўйи қилган меҳнатлари халқимиз томонидан юқоқ баҳоланган. Тошкент шаҳрини зилзиладан сўнг қайта тиклашда намоиш этган фидокорона меҳнати ва ватанпарварлиги, республика йўл ҳужалигини ривожлантириш ва тақомиллаштиришдаги хизматлари юқоқ тақдирланган. Унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи» фахрий унвони берилган. Бир неча марта орденлар, мамлакатимиз фахрий ёрликлари билан мукофотланган.

Бугунги кунда мустақиллигимизни муштаҳамлашда, ҳаётимизни фаровонлаштиришда қўмақ берган нарсга республикамизда йўл индустриясининг юқори даражада ривожлантирилди десак бўлмайди. Ана шу соҳани ривожлантиришда Абдуҳамид Қаюмов улкан ишларга бош қўшган.

Замонадошларимизга бу йўллардан ўтаётганимизда лоқайд бўлманг, бизнинг дадил қадам ташлашимиз учун йўл қурганларни, келажак сари пайдоёс ёганларни бир нафас эсга олайлик, дейман.

Шоир А. Орипов айтганидек: Туғилсанг бахт билан камол ўшадир, Тарқ этсанг оламин завол ўшадир, Охир ҳоқ тупроғини устига келиб, Кимдир ёд айласа, иқбол ўшадир.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Тоштранспутлаш» ИЧТВ бошқармаси сотади: — хонани иситиш печлари; — АПОК-1 горелкалари; — 4 комфоркали духовкаси газ плиталари; — 1022М ва 97А русумли тикув машиналари; — суқудликни сўриб олиш ускунаси — БКФ-2 қўл насослари; — аёллар костюмлари; — ёстиқлар; — леворга ёпиштириш учун гул қоғоз (эни 0,6, узун. 12 м); — ҳар хил безаш (облицовка) плиталари (Тошкентда чиқарилган); — автомобиль учун эҳтиёт қисмлар; — ВАЗ автомобилни учун автокамералар; — ёти ва қишқи иш кийимлари комплекти; — эркаклар учун иссиқ курткалар; — пахталик кийимлар (телогрейкалар); — курпа-тушақ жиғди (комплект); — 1,5х2,0 ўлчамли жун одеёллар; — 2797 русумли трактор учун тиркамалар (прицеп); — томат пастаси; — бст-60 аккумуляторлар (Ўзбек-Туркия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган).

ДИҚҚАТ! РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ БЎЛИМИ ВИЛОЯТ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ ҚУВВАТЛАШ БОШҚАРМАСИ, ЮҚОРИ-ЧИРЧИҚ ТУМАНИ ҲОКИМИЯТИ КИМ-ОШИДИ САВДОСИНИ ЎТКАЗАДИ

САВДОГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚўЙИЛАДИ: 1. УЙ-ЖОЙ ҚУРИШ УЧУН АЖРАТИЛГАН ЕР УЧАСТКАЛАРИ

Ер участкасининг манзили	Ер участкалари сони	Бир участканинг сатҳи (кв. м)	Бошланғич нархи (сўм)
Янгибозор кўрғони	10	600.0	15174.0
Красногорский кўрғони (Чапаев кўчаси)	20	400.0	9837.0

2. «ЮҚОРИ-ЧИРЧИҚ» ЖАМОА ҲўЖАЛИГИ ҚАРАМОҒИДАГИ КЎЧМАС МУЛК ИНШООТЛАРИ

Кўрсаткичлар	Бошланғич нархи (сўм)
1. Жамоа ҳўжалигининг илгариги маъмурий биноси	150 000
2. Жамоа ҳўжалиғи идора бошқармасининг илгариги биноси	100 000
3. Болалар боғчасининг илгариги биноси	75 000
4. Жамоа ҳўжалигининг иссиқхонаси (теплица) (қурилиши тугалланмаган)	226 000

АРИЗАЛАР ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ: — Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 51. 3-қават, 109-хона (Тошкент вилоят ҳокимияти биносида). — Янгибозор кўрғони, туман ҳокимлиги ҳуесунилаштириш бўлимида. Ҳар кун соат 9.00 дан 17.00 гача. МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: Тошкент шаҳрида: (3712) 33-08-65. Янгибозор кўрғони: (298) 31-613

КИМ-ОШИДИ САВДОСИНИ ЮҚОРИ-ЧИРЧИҚ ТУМАНИ ҲОКИМИЯТИНИНГ МАЖЛИСЛАР ЗАЛИДА 12 АПРЕЛЬ СОАТ 11.00 ДА БОШЛАНАДИ.

Тош ДАУ 1995 - 1996 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг ҳамма ўқув юртларига тест синовлари асосида кириш учун 1996 йил

- 1 апрелдан бошлаб 4 ойлик
- 1 майдан - 3 ойлик
- 1 июндан - 2 ойлик
- 1 июлдан - 1 ойлик

қундузги пуллик тайёрлов курсига тингловчиларни қабул қилади.

Аграр университетининг тайёрлов пуллик курси Ўзбекистон Республикасининг барча олий ўқув юртларига кириш учун қўйидаги фанлар: математика, химия, биология, ўзбек тили, чет тили бўйича тест синовлари орқали имтиҳон топширишга тайёрлайди. Тингловчилар ётоқхона билан таъминланади. Университетда овқатланиш, даволаниш ва ўқиш учун ҳамма шароитлар мавжуд.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар қўйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт:

- Ректор номига ариза.
- Урта мактабни тугатганлари ҳақида аттестатнинг асл нусхаси.
- 086 шаклидаги табиий маълумотномаси.
- 3х4 ўлчамли 3 дона расм.

Тайёрлов курсида ўқитиш университети илмий кенгашида тасдиқланган низоом асосида амалга оширилиб, машғулотлар университетнинг малакали ўқитувчилари томонидан олиб борилади.

Бизнинг манзилимиз: 700183, Тошкент-183, 156, 165, 83, 96, 491 - автобусларнинг, университет бекати. Телефон: 63-75-07.

PATENT SERVICE

«ПАТЕНТ СЕРВИС» ИННОВАЦИЯ МАРКАЗИ

- * МАҲСУЛОТ БЕЛГИСИ
- * 24 соат ичда ишлаб чиқилиб, дўхатга олади, сўғурталайди.
- * ФИРМА УСПУБИЯТИ
- * Банкинг, визит карточкалари, хатжиптлар тайёрлайди.
- * Ҳужжатларни интеллектуал мулкни дўхатга олиш учун расмийлаштирилади.
- * Плицензияли шартномаларни расмийлаштирилади.

Биз Сизни соат 8.00 дан 17.00 гача қўйидаги манзилда кутамиз: 700047, Тошкент ш., Ю. Фучик кўчаси, 2а-уй, 101, 103-хоналар. Тел.: 32-03-69, 32-04-69, 33-45-56. Факс: 33-45-56, телекс: 116509 DEBAL RU

ДАМ ОЛИШСИЗ.

ТАШКИПОТ

Тошкент шаҳридаги омбордан пул ўтказиш йўли билан «Жиғули — 2107» автомашинаси шиналари учун камералар «Дога» ва «Москвич» автомашиналари учун ҳам мос келади.

Шунингдек, востачилар хизмати таклиф қилинади.

Мурожаат учун телефон: (3712) 34-39-81, 35-46-93.

«Глобус ЛТД» масъулияти чекланган жамиятининг думалоқ муҳри йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Газетанинг навбатдаги сони 7 апрель, жума кун чикади.

ТИНЕ'95

БИРИНЧИ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ

«ТИББИЁТ ВА САЛОМАТЛИК — 95»

1995 йил 10-13 апрель кунлари ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА 25 мамлакатдан келган юзта компания ўзининг юқори сифатли дори-дармон маҳсулотлари ва тиббиёт жиҳозларини намоиш этади.

Тиббиёт ходимлари, барча хоҳловчилар ва манфаатдор шахсларни таклиф қиламиз. Улар шу ернинг ўзида музокара олиб боришлари ва шартномалар тузишлари мумкин.

Кўргазманинг расмий очилиш маросимига таклиф этилганлар учун текин лотерея ютуқлари ўйини ўтказилади.

Кириш текин.

Кўргазма манзили: Тошкент шаҳри, ЭКСПОМАРКАЗ — собиқ ХХЮК, Ҳар 10 минутга «Ғалаба боғи» бекатидан юрадиган махсус автобус сизни кўргазмагача текинга олиб бориб қўяди.

Кўргазма 1995 йил 10 апрель соат 12.00 да очилади.

Кўргазманинг иш вақти 10 апрелда соат 14.00 дан 18.00 гача 11-13 апрелда соат 10.00 дан 18.00 гача.

Ўзбекистон қасаба уюмлари федерацияси кенгашининг жамоаси Федерация кенгашининг масъул ходими Баҳром Хамидовга отаси Наби ХАМИДОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

«Ўзбектуризм» Миллий Компанияси раҳбарияти ва жамоаси «Ўзбектуризм» ташки иқтисодий туристик ишлаб чиқариш бирилшаси бош директор Ювакеев Марат Ромизовнинг вафоти муқтарамаси.

Равна Абдураманова ЮВАКЕВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

Тошкент Архитектура ва қурилиш институти жамоаси декан Р. А. Юсуповга отаси Мухтар ЮСУПОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги иқтисодий сўғурта жағмармаси Сиддидий вилоят иқтисодий сўғурта жағмармаси вақили Абдураманов ҚОРАБЕКОВНИНГ вафоти муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия изхор этади.

ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖўРАБОВЕВ.

БЎЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Қишлоқ ҳўжалиғи 32-07-94; Иқтисодий 32-36-65; Маънавият 32-35-60; Аxbорот 32-29-89; Туси муҳарририят 33-10-28.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй. Наббатчи муҳаррир — К. Рахисиев. Наббатчи — У. Ҳайдаловов.